



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ
Қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги
"МАҲАЛЛА ВА ОИЛА" ИЛМий-тадқиқот институти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМий-тадқиқот институти

Тренинг

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧИМЛИК СУВИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ВА СИФАТИ





**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
1993-йил 6-майдаги
837-XII-сонли
«СУВ ВА СУВДАН
ФОЙДАЛАНИШ»
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ**

Мақсад - сувга доир муносабатларни тартибга солиш

Асосий вазифалар:

- Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш
- Сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш
- Сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш
- Сув объектларининг ҳолатини яхшилаш
- Сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

О'zDSt 950:2011
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
СТАНДАРТИ
«Ичимлик суви.
Гигиеник талаблар ва
сифат назорати»

Ичимлик сувининг (микробиологик, кимёвий ва органолептик кўрсаткичлар бўйича) сифатига гигиеник талабларни, шунингдек, аҳоли яшаш пунктларининг марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти тизимлари томонидан ишлаб чиқарилган ва етказиб бериладиган сув сифатини назорат қилиш қоидаларини белгилайди

Ичимлик суви сифатини назорат қилиш давлат санитария назорати вазифаларини бажариш тартибида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳудудий марказларининг лабораториялари томонидан амалга оширилади

Сув сифатини назорат қилиш ва унинг белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш сув қувурининг тарқатиш тармоғига тушишидан аввал, сув таъминоти манбаларидан сув олиш иншоотларида ва сувни тарқатиш тармоғининг турли нуқталарида амалга оширилади. Намуна олиш нуқталарининг жойлашуви Санитария-эпидемиологик осойишталик хизмати органлари билан мувофиқлаштирилади

О'zDSt 950:2011
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
СТАНДАРТИ
«Ичимлик суви.
Гигиеник талаблар ва
сифат назорати»

Сувда колиформ бактериялар, термотолерант бактериялар, 100 мл колифагни аниқлаш, бу ифлосланиш сув таъминоти тизимининг бош иншоотларидаги манба сувларининг етарли даражада ишлов берилмагани ёки ишлов берилган сувнинг тарқатиш тармоғида ифлосланиши натижасида содир бўлганидан қатъи назар, эпидемиологик жиҳатдан сувнинг хавфли ифлосланиши деб ҳисобланади

Ичимлик сувининг кимёвий таркибга кўра зарарсизлиги унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги табиий сувларда энг кўп учрайдиган зарарли кимёвий моддалар, шунингдек, глобал тарқалган антропоген келиб чиқишга эга моддаларнинг умумлаштирилган кўрсаткичлари ва таркиби бўйича меъёрларга мувофиқлиги билан белгиланади